



Ўзбек мумтоз
адабиётини ўрганишнинг
назарий ва манбавий асослари

Республика илмий-амалий конференция
материаллари

Сборник научно-практической конференции
материалов

МУНДАРИЖА

АДАБИЙ МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА МАТН МАСАЛАЛАРИ

Х.Болтабоев. Матн ва унинг филологик фанлар тизимидағи ўрни.....	3
Н.Жабборов. Ўзбек матншуносиги ва унда матн танқиди, илмий- танқидий матн истилоҳларининг ўрни.....	9
О.Жўрабоев. «Девони Ниҳоний»нинг яратилиш тарихи ва манбалари.....	17
Р.Алимухамедов. Турк-моний мухитида яратилган дуо китоби.....	25
Б.Жафаров. “Кодекс куманикус” кўлёзмасининг ўзига хос хусусиятлари.....	29
З.Шукрова. «Қисаси Рабгузий»нинг нодир кўлёзмаси нусхаси.....	36
Ж.Махмудов. Аҳмад Табибийнинг “Тұхфат-ус-султон” асари ҳакида.....	38
Ҳ.Ғуломова. Фикҳий масалаларнинг назмий талқинига оид мухим асар.....	45
Ҳ.Сулаймонова. “Канз-ал-куттаб” тазкираси кўлёзма нусхаларининг тавсифи.....	50
Н.Алиқуловая. “Тазкираи Мажзуб Наманганий” XVIII-XIX аср тасаввуфи ва тарихига доир мухим манба сифатида.....	54
Ш.Амонов. Аҳмад Табибий ижоди манбаларига доир айрим мулоҳазалар.....	57
Қ.Пардаев. Муқимий лирикаси матнига доир айрим мулоҳазалар.....	63
Г.Абдуллаева. Адабиётшунос Махбуба Қодирова архиви ҳакида.....	68
О.Алимов. Абдураҳмон Жомий шахсиятини ўрганишда тазкираларнинг ўрни.....	70
Ж.Абдуллаев. Убайдий ҳәти ва ижодини ўрганилишига доир.....	73
Ф.Каримова. Фано девонидаги дебоча хусусида.....	77
С.Умарова. Матншуносликнинг илмий асосга қўйилиши ва янгича ёндашувлар.....	79
О.Солиева. Нишотийнинг Навоий ғазалларига бозиган мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (В.А.Абдуллаевининг “Хоксор ва Нишотий” монографияси асосида).....	81
А.Акмалхонов. “Мифтоҳу-л-улум” асарида «alif», «uvv», «uv» ҳарфлари ҳакидаги қарашлар.....	87
А.Муртазаев. «Муқаддимат-ус-салот»нинг икки нодир кўлёзмаси.....	90
К.Аскарова. Сулаймон Бокирғонийнинг икки кўлёзма асари тавсифи.....	94
Х.Болтабоева. Холид Сайд ва матн тизшувносиги масалалари.....	98
M.Abdurahimova. Shayx Ahmad Tarozziyning “Furuq ul-balog ‘a” asari – turkiy adabiyotshunoslikka oid ilk manba	100
А.Аскаров. Аллома Саъдуддин Тафтазоний асарларининг тадқики ва унинг илмий аҳамияти.....	104
С.Мадиримова. Мутриб ва унинг асарлари ҳакида.....	107

5. Kuun G. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. Budapestini: EDITIO SCIENT. ACADEMIAE H U N G., 1880. – 398 p.
6. Manoscritto. Codice Cumanico [Cod. Marc. Lat. Z. 549 (=1597).

* * *

ЗИЛОЛА ШУКУРОВА,
ТДУТАУ ўқитувчысы, PhD.

«ҚИСАСИ РАБГУЗИЙ»НИНГ НОДИР ҚҰЛЁЗМА НУСХАСИ

Ушбу мақолада “Қисаси Рабгузий”нинг юртимизда сакланған нұсхалари орасыда нодир құләзма хисобланған №1834 рақамли нұсхаси үрганилган.

В этой статье «Кисаси Рабгузий» рассматривается редкая копия №1834, которая очень редка в стране.

In this article “Qisasi Rabguzi” has examined the copy number №1834, which os a rare manuscript among the copies stored in our country.

Носируддин Рабгузийнинг «Қисаси Рабгузий» асары түзилиши, мазмунни, ғоявий йұналиши, образлар тизими, бадий нағосаты, түрді адабий жанрлар, поэтик үнсурларнинг қоришиб келиши нұктай назаридан үзіга хос манбадир. Мазкур ёдгорлик мавзусига күра бошқа шу силсағалаги асарлардан фарқ қиласы. Унда адіб диний сюжет, воқеа-ходисалардың айнаң көлтирмай, уларни үз ижодий нияти, ижтимоий-маърифий идеалы билан чамбарчас бөглиқ қолда тасвиrlайды. Инсон умри, жамият тақдирива уларнинг бир-бири билан узвий бөглиқлиги ҳаёттік воқеалар тасвири брдамида очиб берилади. Демек, бу китоб түркүм сюжеттерін бадий ижод намуналарига яқын турап экан.

Асар таркибидеги қиссалар үртасидаги умумийлік пайғамбарларға хос сифатлар, уларнинг Аллоҳ томонидан юборилгани, жамиятта авж олған заарарлы иллатлардан инсонларни қайтарғани ҳамда диннинг ахамияттін тушунтиргани Куръон оятылары, Ҳадисдан олинған ибратлы ҳикоялар ҳамда ҳалқ оғзаки ижоди намуналары асосида үзіга хос услугда ифодаланади. Шунингдек, муаллифнинг ифода шакли ҳам муайян бадий-эстетик тамоиилларға асосланади, яғни адіб пайғамбарларнинг ҳаёт йүлини тасвиrlашдан аввал уларнинг сифатлары ва мұйъизаларини эртак ва достонларда етакчи бўлган сажъ усулидан фойдаланади. «Қўлланган сажъ эса үз характери жиҳатидан жуда ҳам мукаммал бўлиб, сажъланган ҳар бир сўз у ёки бу шахс сифатларини очиб беришга хизмат қиласи»⁶². Асар мұқаддисасида пайғамбарлар фаолияти умумий обзор тарқасида шеърий шаклда берилади. Қиссаның мазмунни, бадийлигини кучайтириш, мунозарали воқеа-ходисаларға аниқлик киритиш мақсадида адіб тасвир жараёнида бир жанр ичидә бошқасини көлтириб, асарнинг таъсирчанлигини таъминлайди.

⁶² Саримсоков Б. Ўзбек адабиёттада сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. –Б. 94.

Түнчнинг ана шундай ўзига хос услуги асарнинг халилар орасида маълум ва машхур бўлишига сабаб бўлган.

Хозирги кунда асарнинг бир неча кўлёзма нусхалари ЎЗР ФА Шарқшунослик институти хазинаси Асосий фондда № Р3042, №10252, №1397, №1834, №6227, №11537, №6346, №6685, №6122, №11202, №12701, №7022, №1624, №5687 инвентарь ракамлари билан рўйхатга олинган. Енсаннинг турли давлатларда кўплаб нусхалари сакланниб, Туркия давлат кутубхонасида юздан ортиқ, Остона давлат кутубхонасида кирқдан ортиқ ўнёма ва тошбосма нусхалари мавжудлиги аниqlанган⁶³. Сўнгти йилларда яхм юртимизда асарнинг кўлёзма ва тошбосма нусхалари нашр этилди⁶⁴. Э.Фозиловнинг қайд этишича, «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида асар Тошкент, Қозон, Самарқанд шаҳарларида литографик усулда бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг нисбатан тўла илк марта рус туркшунос олими Н.И.Ильминский томонидан 1859 йил Қозон шаҳрида эълон қилинган. Бу нашр кейинроқ кўчирилган нусхасосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қиласди»⁶⁵ деб тутили. Юртимизда сакланётган нусхалар орасида эса энг қадимиysi 1854 инвентар раками асар нусхаси хисобланади.

№1834 нодир кўлёзма. Китоб қаттиқ картон қофоз билан муқовамланган. Устига сариқ духоба матодан қоплама ёпилган. Асар кўп талофат ўргани боис дастлабки сахифалари йўқолган. Шунинг учун 1- бетдан 5-а беттагча сиёҳранга чироили хусниятда кейинги нашрлар орқали қайтадан кўчирилган. Матн четида сариқ ҳошия чизилган. Асл ёзув 5-б бетдан бошланади. Матн четида рамка иўж Настаълик хатида кўчирилган бу китоб 10x27 ўлчовли, 450 варакдан иборат. Кўчирилган котиб маълум эмас. Ҳар бет 22 сатрдан иборат. Асада муналарижа берилмаган.

Китобнинг баъзи жойларига нам гетиши натижасида 105 а-б, 135- б, 139- а бетларидаги ёзув бўйдан 104-б бетда муқова четида қизил сиёҳ рангда арабча сон ва сўзлар ёзилган. Матннадаги баъзи бир сўзлар ўтидан чизилган. Шунингдек, 108-а (сиёҳрангда), 125-б, 126 а-б, 134-а, 150-а, 154-а, 155-а 185-а, 189-а, 190-а 301-б бетларда турли сўзлар матн ҳошиясига ёнелган. Баъзи жумлалар тагига қалам билан чизилган. 115-б, 123-а, 209-а бетлар ўртаси йирилган. Баъзи йирилгани варакларнинг чети

⁶³ Айсу Ата. Насируддин бин Бурхануддин Рабгузий. Кисасул анбиё. – Анкара. 1997. – Б. 21-22; Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тиб-көяъичного памятника XIV в «Кисас ал анбиё». Насириддина Рабгузи. – Казан: Казанский государственный университет, 2002. – С.11

⁶⁴ «Кисаси Рабгузий»нинг биринчи кисми 2013 йил «Шарқ» нашриётида қайтадан чоп тилди. У 191 бет хажмида бўлиб, Р.Зарипова, Н.Сайдуллаева томонидан таинч манбага асосланган Тошкент нашри матни ўзгартиришларсиз ҳозирги ўзбек адабий тилида табдил қилинган; Киссанинг Самарқанд тошбосма нусхаси 2009 йил «Мұмтоз сўз» нашриётида филология фанлари доктори Б. Абдушукоров томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилида нашр этилган. У 207 бетдан иборат бўлиб, матннадаги лавҳаларнинг баъзилари туширилган

⁶⁵ Рабгузий. Кисаси Рабгузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 8.

қайта таъмирланган. 445-б бетнинг тепа чет кисми йиртилган, ёзуви хира тортган, бўялган, ўчирилган.

Китобда назм, сашт, шеър номи остида 410 мисра лирик шеър берилган бўлиб, улар араб, форс-тожик, туркий тилларадир. Бу атамалар кизилсиёҳда ажратиш кўрсатилгани учун кўзга тез ва осон ташланади.

Асар беғи хил ёзувда битилган: 1-бетдан – 5-а бетгача биринчи хил ёзув, 5-б бетдан – 191-бетгача иккинчи хил ёзув, 192-а бетдан – 203-б бетгача учинчи хил ёзувда битилган. 446-б – 447-б – бетгача варажлари зарар кўртани боис бошқа чиройли хусниҳатда тўлдирилган. 448-450- бетгача тушунарсиз ва хунук хатда арабча сўзлар ёзилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозиргача биз таяниб келаётган адабижоди ҳакидаги айрим маълумотлар адаб ва унинг мероси ҳакида тўлиқ тасаввурни хосил килмайди. Кисса ўқувчиларнинг севимли асари бўлгани сабаб, турли жойларда котибтар томонидан қайта-қайта қўчирилган ва китобат асосида асарга қўшимча воқеалар, ҳикоятлар ва шеърлар киритилган. Натижада қисса тили, сюжети, композицион тузилиши ва ҳаттохи, унинг ёзилиши санаасига доир айрим чалкашликлар юзага келганки, бу соҳада ҳали кўплаб илмий изланишилар олиб борилмоғи кераклигини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Айсу Ата. Насируддин бин Бурханддин Рабгузий. Кисасул анбиё. –Анкара, 1997.
2. Саримбеков Б. Узбек адабиётида сажъ. –Тошкент: Фан, 1978.
3. Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного памятника XIV в «Кисас ал анбия» Насириддина Рабгузи. –Казан: Казанский государственный университет, 2002.
4. Насириддин Бурханддин Рабгузий. «Кисаси Рабгузий». 1-китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1990.
5. «Кисаси Рабгузий». Самарқанд тошбосма нусхаси 2009 йил «Мумтоз сўз» нашриёти филология фанлари доктори Б. Абдушукоров томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилида наштилган. У 207 бетдан иборат бўлиб, матннаги лавҳаларнинг бázилари тушシリлган
6. Кисаси Рабгузий. 2013 йил «Шарқ» нашриётида қайтадан чоп этилди. У 191 бет ҳажми бўлиб, Р.Зарипова, Н.Сайдуллаева томонидан таяниб мағлуба асосланган Тошкент нашри матнагартиришларсиз ҳозирги ўзбек адабий тилида табдил килинган

* * *

ЖАСУРБЕК МАҲМУДОВ

ЎЗДСМИ доценти, филология фанлари номзод

АҲМАД ТАБИБИЙНИНГ “ТУҲФАТ-УС-СУЛТОН” АСАРИ ҲАҚИДА

Аннотация

Ўзбек классик адабиёти тарихининг XIX аср охири ва XX аср бошларидағи Хорезм адабий мұхити ўзига хос ўринга эга. Маърифатпарвар шоҳ ва шоир Мухаммад Раҳимхонсоний – Феруз раҳнамолигидаги ушбу адабий мұхитда ажгодлар анъанасига содик колле ҳолда бир қатор девонлар, тазкиралар яратилган, таржима ва тарихий асарлар ёзилған иккى тиљда ижод қилиш (зуллисонайнлик) анъанаси ривожлантирилган.

Табибий тахаллуси билан машҳур Аҳмад ибн Али Мұхаммад ана шу даврнинг туркий, ҳам форс-тожик тилида ижод қилган зуллисонайнлик вакилларидан биринчисоб